

20 20 yil "29" Декабрь № 1758

Кўқон шаҳар Маззангли кўчасида яшовчи фуқаро Наджимитдинов Рамзбекга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ҳамда «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуннинг 8-моддаларига «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонунининг 6-10-асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Кўқон шаҳар Маззангли кўчасида яшовчи фуқаро Наджимитдинов Рамзбекга деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 29.09.2020 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Кўқон шаҳар Маззангли кўчасида яшовчи фуқаро Наджимитдинов Рамзбекга туман ҳокимлиги захира фондига қарашли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган Мукумий ММТП худудидаги № 477қ-контурдаги 0,30 (ўттиз сотих) га, ер майдонини деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани «давлат хизматлари» марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Наджимитдинов Рамзбекга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабов ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Кўчқоровга топширилсин.

5. Ушбу қарор тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари Н.Мамадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: **BAYON****QISMI**

Қ.Джўраев